



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 16 » may

№ 259

Toshkent sh.

2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–5618-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида унинг асосий мақсади сифатида **аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши**, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини билладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, **фаол фуқаролик позициясига эга бўлган** ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш белгиланганлиги;

ушбу Концепцияда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларга самарали эришиш учун ҳар икки йилда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилиниши амалиёти йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

а) оилада ва таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаш, жумладан:

оилалардаги нотинчлик ва зўравонликнинг болалар тарбиясидаги салбий оқибатларини ҳақида маълумот етказиш ва уларнинг олдини олиш

ҳамда таълим муассасаларида ўқувчиларни таъқиб қилишга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшлар ўртасида **ҳуқуқий нигилизм** ҳолатларини бартараф қилиш, уларда ҳуқуқбузарликларнинг жамият ва давлат тараққиёти учун салбий иллат эканлигига оид **дунёқараш шаклланишини** тарғиб қилишга қаратилган комплекс тарғибот тадбирларини ташкил қилиш;

маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига **имтиёзлар ва моддий ёрдам** бериш, **нафақа тайинлаш, ишсизликдан ҳимояланиш**, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам олиш тартиби бўйича тизимли тарғибот тадбирларини ўтказиш;

олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида **“Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”** ўқув курсларини жорий этиш;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаш, жумладан:

давлат органлари ва ташкилотларида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича билимларини оширишга қаратилган **“Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги”, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”** ва **“Конституциявий ҳуқуқ ойлиги”**ни ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари **ҳуқуқий саводхонлигига оид минимал талаблар бўйича ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштириб бориш** ва уларни баҳолаш орқали ҳуқуқий билимларини ошириб бориш;

давлат хизматининг ягона электрон-ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда **ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича ўқитиш ва баҳолаш** ишларини мониторингини йўлга қўйиш;

давлат органлари ва ташкилотларида фаол, жамоатчилик билан ишлаш кўникмаларига эга **ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини ташкил қилиш** ва қонунчилик ҳужжатларининг тарғибот қилинишини таъминлаш;

в) аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаш, жумладан:

аҳолининг турли муаммоларини ўрганиш, уларга бепул ҳуқуқий маслаҳат ва кўмак бериш мақсадида **“Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга”** шиори остида тарғибот тадбирларини ўтказиш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий лойиҳалар, хайрия акцияларини ўтказиш (**“Биз биргамиз”, “Ранглар дунёси”**);

Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишни йўлга қўйиш;

хорижда меҳнат қилиш истагида юрган фуқаролар учун **қонуний меҳнат миграцияси**, хусусий бандлик агентликлари хизматидан фойдаланиш тартиби, **ноқонуний миграция оқибатлари тўғрисида кенг тушунтириш** ишларини олиб бориш;

г) **жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш**, жумладан;

жиноятчилик ҳолатини чуқур таҳлил қилиш натижалари асосида жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли орасида қонунга хурмат қилиш маданиятини шакллантириш;

аҳолини қизиқтирадиган ҳуқуқий масалалар юзасидан ижтимоий тармоқларда тарғибот тадбирларини ўтказиш;

аҳолини қийнайдиган ҳуқуқий мавзуларда видеороликлар тасвирга олиш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқатиш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий масалалар бўйича ечимларни берувчи порталларни ҳуқуқий мавзудаги материаллар билан бойитиш ва қонунчиликдаги ўзгартиришлар билан мувофиқ ҳолда материалларни янгилаш, **“Ҳуқуқий ахборот”** телеграм канали қамровини кенгайтириш;

соҳалар кесимида юридик адабиётларни бепул кўчириб олиш, фойдаланиш, нусха кўчириш имконига эга бўлган ва аҳолининг барча қатлами учун мўлжалланган **“Юридик кутубхона”** электрон тизимини ва унинг мобил иловасини ишга тушириш;

д) **юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш**, жумладан:

юридик олий таълим муассасалари ўқув дастурларига **“Тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш”** мавзусини киритиш;

юридик соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириб келаётган тадқиқотчилар учун **онлайн хизматларни кўрсатиш имконини берувчи электрон платформа** яратиш;

аниқ ҳаётий масалалар юзасидан аҳолининг ҳуқуқий билиминини аниқлаш бўйича сўровномалар, шу жумладан электрон тарзда ўтказиш, мазкур жараёнга блогер ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Дастурда белгиланган тадбирлар учун масъул этиб белгиланган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари тегишли чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича

хар чорак якунида Адлия вазирлигига тегишли маълумотларнинг тақдим этилиши учун шахсан жавобгардирлар;

Дастурда белгиланган тадбирларни молиялаштириш масъул давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

4. Адлия вазирлиги:

Дастурда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолатини доимий мониторинг қилиб борсин ва мониторинг натижалари юзасидан **хар чорак** якунлари бўйича кейинги ойнинг **15** санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 16” майдаги 259-сон қарорига
илова

**2022–2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Муддат	Масъул ижрочилар
I. Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш				
1. Оилада ва таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш				
1.	Ота-оналар ўртасида умумтаълим мактабларига болаларни қабул қилиш, бир мактабнинг ўзида болани бир синфдан бошқасига ўтказиш ёки бир мактабдан бошқа мактабга кўчириш тартиблари ҳамда умумтаълим мактаблари фаолиятига доир бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида аҳоли билан учрашувлар ташкил қилиш.	Давра суҳбатлари, учрашувлар	2022 йил 30 август 2023 йил 30 август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Б. Саидов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>)
2.	bolahuqurlagi.uz порталини болаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган қизиқарли, янги интерактив ўйинлар билан бойитиш ва порталдан болаларнинг фойдаланиш қамровини кенгайтириш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил 20 сентябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>)
3.	Фуқароларнинг Конституция ҳақидаги билимларини синовдан ўтказиш мақсадида Умуммиллий Конституция имтиҳонини ўтказиш учун мавжуд платформани модернизация қилиш.	Платформани модернизация қилиш	2022 йил 20 сентябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

				ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов)
4.	Оила даврасида фойдаланиш учун бола туғилганидан бошлаб токи умумтаълим мактабини тугатгунига қадар киришиладиган ижтимоий муносабатларни ўзида мужассам этган ҳуқуқий қўлланма тайёрлаш ва бепул тарқатиш.	Қўлланма	2022 йил 20 октябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
5.	Болалар учун ҳуқуқий мавзуларда, жумладан дарсларга мунтазам қатнашиш, жамиятда ўрнатилган қоидаларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш мавзуларида мультфильмлар тайёрлаш ва тарқатиш.	Мультфильм	2022 йил 30 декабрь, 2023 йил 30 декабрь	Кинематография агентлиги (Ф.Абдухаликов), Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш. Қудратхўжа), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
6.	Оилалардаги нотинчлик, зўравонликнинг болалар тарбиясидаги салбий оқибатларини ёритиб берувчи ижтимоий видеороликлар тайёрлаш ва телевидение орқали тарқатиш.	Ижтимоий видеоролик	2022-2023 йилларда ҳар чоракда камида 2 марта	Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш. Қудратхўжа), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)

7.	Маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун берилган имтиёзлар, моддий ёрдам, нафақа тайинлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, вақтинчалик бир марталик иш билан банд бўлиш, ижтимоий ёрдам олиш тартиби бўйича тизимли тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Манзилли тарғибот тадбирларини ўтказиш	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 2 марта	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
8.	Умуммиллий Конституция имтиҳонини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда тасдиқланган тартиб асосида имтиҳонни ўтказиш.	Идоравий ҳужжат қабул қилиш	2022 йил 1 декабрь, 2023 йил 1 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
9.	Барча даражадаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси , унда белгилаб берилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, давлат ва жамият билан боғлиқнинг барча жиҳатларини тушунтириб боришни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ташкил қилиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 30 декабрь, 2023 йил 30 декабрь	Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А.Тошқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
10.	Барча умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқувчиларни таъқиб қилишга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини белгиловчи намунавий низомни ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир мактаб ички қоидаларидан келиб чиқиб, ўзларининг намунавий низомини қабул қилиш.	Намунавий низом	2022 йил 1 сентябрдан бошлаб	Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
11.	Педагогик олий таълим муассасаларига ўқувчиларни таъқиб қилишга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича курслар киритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил 1 сентябрдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А. Тошқулов</i>)

12.	Ўқувчиларни таъқиб қилишга қарши курашиш бўйича қисқа метражли фильмлар, мультфильмлар яратиш ва эфирга узатиш.	Қисқа метражли фильмлар, мультфильмлар	2022 йил 20 июль 2023 йил 20 сентябрь	Кинематография агентлиги (Ф.Абдухаликов), Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев)
13.	Таълим муассасаларида мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш чоралари ва бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, мажбурий меҳнат учун жавобгарлик чоралари бўйича кўргазмали тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Тарғибот тадбирлари	2022 йил май-декабрь 2023 йил май-декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
14.	Олий таълим муассасалари талабалари учун таълим жараёнлари, стипендия олиш, ётоқхона билан таъминланиш, таълим кредитлари, тўлов-контракт турлари, ўқишдан четлаштириш, ўқишни қайта тиклаш, академик таътил олиш ҳамда олий таълим билан боғлиқ бошқа жараёнларни қамраб олган махсус қўлланма тайёрлаш ва тарқатиш.	Қўлланма	2022 йил 20 июль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)
15.	Ўқувчилар ва талабалар ўртасида коррупцияга қарши мурасасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил ноябрь-декабрь 2023 йил ноябрь-декабрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Бурханов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Халқ таълими

				вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
16.	Ёшлар ўртасида ҳуқуқий нигилизм ҳолатларини бартараф қилиш , уларда ҳуқуқбузарликларнинг жамият ва давлат тараққиёти учун салбий иллат эканлигига оид дунёқараш шаклланишини тарғиб қилишга қаратилган комплекс тарғибот тадбирларини ташкил қилиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда тегишли маълумотларни инфографика ва комикс шаклда ёшларга етказиш.	Комплекс чора-тадбирлар, инфографика, комикслар тайёрлаш ва тарқатиш	2022 йил 30 декабрь, 2023 йил 30 декабрь	Халқ таълими вазирлиги (<i>Б. Саидов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А. Тошқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
17.	Таълим муассасаларида ёшларни ўз ҳуқуқий саводхонлигини юксак даражада шакллантириш ва оширишдек эзгу мақсадлар атрофида бирлаштирувчи “ Ҳуқуқ ойлиги ”ни ўтказиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 1 июль 2023 йил 1 октябрь	Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А.Тошқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
18.	Умумтаълим ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида конституциявий ҳуқуқ, ҳуқуқшунослик фанларидан танловлар ва олимпиадалар ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш.	Танловлар ва олимпиадалар	2022 йил 20 ноябрь, 2023 йил 20 ноябрь	Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А.Тошқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)

19.	Олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув курсларини жорий этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 1 сентябрдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А.Тошқулов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
20.	Болалар учун уларнинг ҳуқуқлари ва одоб-ахлоқ нормалари ҳақида маълумот берувчи аудио ва видеоматериаллар тайёрлаш ва тарқатиш.	Аудио ва видеоматериаллар	2022 йил май-декабрь (ҳар ойда камида 2 та материал)	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>)
21.	“Болалар учун юридик энциклопедия”, “Ёшлар учун юридик энциклопедия”, “Ҳар кунлик ҳуқуқ” каби ҳуқуқий китобларни умумтаълим муассасаларида ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган қўлланмалар рўйхатига киритиш ва мазкур ҳуқуқий адабиётларни умумтаълим муассасаларига бепул етказиб бериш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 20 июнь	Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т.Ишметов</i>)
22.	Болалар ва ёшлар учун уларнинг йўл ҳаракати иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида мужассам этган кўрғазмали қўлланма тайёрлаш ва тарқатиш.	Кўрғазмали қўлланма	2022 йил 1 август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Б.Саидов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобожонов</i>)

2. Давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

23.	<p>Давлат органлари ва ташкилотларида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шартномалар ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича билимларини кучайтиришга қаратилган: “Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги”; “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”; “Конституциявий ҳуқуқ ойлиги”ни ўтказиш.</p>	<p>Идоравий ҳужжат асосида ҳуқуқий ойликларни ўтказиш</p>	<p>2022-2023 йиллар 20 июнь 20 ноябрь 20 декабрь</p>	<p>Вазирлик ва идоралар</p>
24.	<p>Давлат органлари ва ташкилотларида фаол, жамоатчилик билан ишлаш кўникмаларига эга ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини ташкил қилиш ва улар томонидан соҳага доир қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг ходимлар ўртасида ва кенг жамоатчилик ўртасида тизимли равишда тарғибот қилинишини таъминлаш.</p>	<p>Идоравий ҳужжат асосида гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш</p>	<p>2022 йил 1 июль</p>	<p>Вазирлик ва идоралар</p>
25.	<p>Давлат ташкилотлари ходимлари ҳуқуқий саводхонлигига оид минимал талаблар бўйича ўқув дастурини мустақил равишда ўзлаштириб бориш ва уларни баҳолаш орқали ҳуқуқий билимларини ошириб бориш.</p>	<p>Ўқув курслари</p>	<p>2022 йил 30 декабрь, 2023 йил 30 декабрь</p>	<p>Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар</p>
26.	<p>Давлат хизматининг ягона электрон-ахборот таҳлил тизимидан фойдаланган ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича ўқитиш ва баҳолаш ишларини мониторингини юритиш. Бунда: – баҳолаш натижалари паст бўлган давлат органлари ва ташкилотларига жойига чиққан ҳолда муаммоларни ўрганиш, уларга услубий кўрсатмалар бериш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича семинарлар ўтказиш; – паст баҳо қайд этган ходимлар билан индивидуал ишлаш чораларини кўриш назарда тутилади.</p>	<p>Мониторинг, ташкилий чора-тадбирлар</p>	<p>2022-2023 йиллар давомида (ҳар 6 ойда бир марта)</p>	<p>Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар</p>

27.	Давлат ташкилотлари ходимлари ўртасида “ Хуқуқий заковат ” интеллектуал ўйинини ўтказиш. Бунда давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида (<i>юримдик хизмати ва олий юримдик маълумотга эга бўлган ходимлардан ташқари</i>) мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-хуқуқий ислохотлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда хуқуқий-мантиқий йўналишларда бир неча босқичли интеллектуал ўйин ўтказилади.	Интеллектуал ўйин	2022 йил 30 декабрь, 2023 йил 30 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
28.	Давлат органлари ва ташкилотларининг жамиятда хуқуқий маданиятни оширишга масъул ходимлари учун хуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг инновацион усуллари , замонавий ёндашувларни қамраб олган ўқув-семинар ўтказиш.	Ўқув-семинар	2022 йил 30 сентябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
29.	Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-хуқуқий ислохотларни давлат органлари ва ташкилотлари ходимларига ҳар ҳафтада етказиб беришни назарда тутувчи видеороликлар тасвирга олиш ва тарқатиш.	Видеороликлар	2022-2023 йилларда доимий равишда	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
30.	Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, шунингдек ижтимоий тармоқлар орқали хуқуқий тарғиботни амалга ошириш бўйича услубий қўлланма тайёрлаш ва тарқатиш.	Услубий қўлланма	2022 йил 20 ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
31.	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари учун мурожаатлар билан ишлаш , фуқароларни қабул қилиш тартибини қамраб олган қўлланма тайёрлаш.	Хуқуқий қўлланма	2023 йил 20 январь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
3. Аҳоли барча қатламларининг хуқуқий маданиятини юксалтириш				
32.	Аҳолининг хуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини ўрганиб, жумладан Халқ қабулхоналарига ва 1008 ишонч телефонига келиб тушган мурожаатларни	Манзилли тарғибот тадбирлари	2022 йил 30 май,	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик

	таҳлил қилган ҳолда, аҳолида энг кўп учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни аниқлаб ушбу йўналишда тарғибот материалларини (<i>буклет, инфографика, видеоролик, слайд, аннотация, комикс</i>) тайёрлаш ва соҳага масъул давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек ҳудудий адлия органлари орқали ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш.		2023 йил 30 май	ва идоралар
33.	Аҳолининг турли муаммоларини ўрганиш, уларга бепул ҳуқуқий маслаҳат ва кўмак бериш мақсадида “Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга” шиори остида тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари	2022-2023 йилларда доимий равишда	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
34.	Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш учун тарғибот материалларини тайёрлаш ва масъул давлат органларига етказган ҳолда аҳолига қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказиш бўйича чоралар кўриш.	Мурожаатлар таҳлили Учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар	2022-2023 йилларда ҳар чоракда	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
35.	Хорижда меҳнат қилиш истагида юрган фуқаролар учун қонуний меҳнат миграцияси, хусусий бандлик агентликлари хизматидан фойдаланиш тартиби , ноқонуний миграция оқибатлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.	Тарғибот материаллари тайёрлаш Манзилли тарғибот тадбирларини ўтказиш	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида икки марта	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Н. Ҳусанов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
36.	Интернетга уланиш имкониятига эга бўлмаган хотин-қизлар учун “Аёлларга ҳуқуқий мадад” номли қўлланма тайёрлаш ва тарқатиш.	Қўлланма	2022 йил 20 июль	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
37.	Кундалик ҳаётда энг кўп зарур бўлган давлат хизматларидан фойдаланиш, мурожаат қилиш, керакли ҳужжатлар ва уларни тайёрлаш, шунингдек, давлат хизматларидан онлайн Ягона интерактив давлат	Видеороликлар, анимациялар, инфографикалар	2022 йил 1 июль	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар

	хизматлари портали ва бошқа электрон ресурслар орқали фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида ахборот берувчи медиаматериаллар (<i>видеороликлар, анимациялар, инфографикалар</i>) тайёрлаш ва тарқатиш.			
38.	“Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида “Хуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?” мавзусида тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Комплекс чора- тадбирлар	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 2 марта	Ички ишлар вазирлиги (<i>П. Бобожонов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
39.	Аҳолини қийнаб келаётган масалаларни соҳалар кесимида таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларига кўра соҳа мутахассислари иштирокида ҳуқуқий тушунтириш берувчи видеороликлар тайёрлаш ва тарқатиш.	Видеороликлар	2022 йилда режа-график асосида	Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
40.	Янги қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган телерадиодастурларни эфирга узатиш.	Телекўрсатувлар, репортажлар	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 3 марта	Миллий телерадиокомпания (<i>А. Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш. Қудратхўжа</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
41.	Шахсий эҳтиёжлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатнинг сақланишга, аҳолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган қисқа метражли фильмлар яратиш ва тизимли равишда телевидение орқали бериб бориш.	Қисқа метражли фильмлар ҳамда театр спектакллари	2022-2023 йилларда ҳар чоракда камида 2 марта	Кинематография агентлиги (<i>Ф. Абдухаликов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Миллий телерадиокомпания (<i>А. Хаджаев</i>)

42.	Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган ижтимоий видеороликлар тайёрлаш ва тарқатиш.	Ижтимоий видеоролик, мулфильмлар	2022-2023 йилларда ҳар чоракда камида 2 та	Кинематография агентлиги (Ф.Абдухаликов), Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
43.	Хорижий давлатларга ишлашга борган меҳнат мигрантлари учун қуйидагиларни назарда тутувчи махсус қўлланма тайёрлаш ва мақсадли тарқатиш: оғир вазиятларга тушиб қолганда ёрдам олиш учун мурожаат қилиш манзиллари ва тартиби; тиббий, моддий ва ҳуқуқий ёрдам олишда биринчи галдаги кўрсатмалар; меҳнат мигрантларига Ўзбекистонда берилаётган имтиёзлар.	Қўлланма	2022 йил 1 июль	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
44.	Таълим муассасалари педагог ходимлари учун қуйидагиларни назарда тутувчи “Сизнинг ҳуқуқингиз” номли қўлланма тайёрлаш ва электрон тарқатиш: педагог ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; педагог ходимларнинг мақоми; мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши; ойлик иш ҳақи, устамалар, моддий ёрдам ва бошқа рағбатлантириш воситалари; таътилар, иш вақти ва дам олиш вақти.	Қўлланма	2022 йил 1 июль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов)

45. Фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда: фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш; фирибгарликнинг энг кўп учрайдиган турларини аниқлаш; фирибгарлик кўп содир этиладиган ҳудудлар, шахслар тоифасини, ёш категорияларини ўрганиш; фирибгарликнинг олдини олиш бўйича энг самарали воситаларни, шу жумладан хориж тажрибасини таҳлил қилган ҳолда ўрганиш; фирибгарлик бўйича илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари тадқиқотларини ўрганиш; таҳлил ва ўрганиш натижаларига кўра фирибгарликнинг олдини олиш бўйича соҳалар кесимида, “маҳаллабай” дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 1 август	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
46. Ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий лойиҳалар, хайрия акцияларини ўтказиш (“Биз биргамиз”, “Ранглар дунёси”).	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 1 октябрь, 2023 йил 1 октябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев)
47. Миллий ҳуқуқий Интернет порталида қонунчилик ҳужжатларида ёшлар учун берилган имтиёзлар , улардан фойдаланиш тартиби ва қайта алоқа ўрнатиш имконини берувчи модулини ишлаб чиқиш.	Ҳуқуқий портал модули	2023 йил 1 февраль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)
48. Тиббиёт муассасалари ходимлари учун уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида жамлаган содда,	Қўлланма	2023 йил 1 сентябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов),

	халқчил тилда ёзилган “Сизнинг ҳуқуқингиз” номли кўлланма тайёрлаш ва тарқатиш.			Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Б.Мусаев</i>)
49.	Аҳоли ўртасида электр энергияси, газ таъминоти, коммунал хизматлардан фойдаланиш , мазкур йўналишларда ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг олдини олишга қаратилган кўргазмали тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 3 марта	Энергетика вазирлиги (<i>А.Ахмедходжаев</i>), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (<i>Ш.Ҳидоят</i>)
II. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усуллари жорий қилиш				
50.	Аҳолининг барча қатлами учун мўлжалланган “Юридик кутубхона” электрон тизимини ва унинг мобил иловасини ишга тушириш. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: юридик адабиётлар соҳалар кесимида (фуқаролик, меҳнат, жиноят ва бошқа) тизимга жойлаштирилади; фойдаланувчилар китобларни бепул кўчириб олиш, фойдаланиш, нусха кўчириш имконига эга бўлади.	Электрон тизим	2023 йил 20 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
51.	Маҳалларларда содир этилаётган жиноятларни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш. Бунда: Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари томонидан ҳар ойда, ўтган ой давомида ҳудуддаги маҳаллаларда содир этилган жиноятларнинг тури, сони, шахслар тоифаси, ёш категорияси кўрсатилган маълумотларни тегишлича Қорақалпоғистон	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобожонов</i>), вазирлик ва идоралар

Республикаси адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимларига юбориш;

туман (шаҳар) даражасида ҳар ойда бир марта, вилоят даражасида ҳар чоракда бир марта ҳудудда жиноятчиликни олдини олиш юзасида олиб борилаётган ишларни ҳамкорликда муҳокама қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

тақдим этилган маълумотлар таҳлили ҳамда муҳокамалар натижасида жиноятлар, айниқса уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ошган маҳаллаларда жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ҳамкорликда “маҳаллабай” ҳуқуқий тарғибот дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жиноятлар сони ошган маҳаллаларда жиноят содир этилиши сабаблари, бунга имкон берган шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аҳолиси ўртасида турли сўровномалар ўтказиш;

маҳалла аҳолисининг маҳаллада жиноятчиликни камайтириш бўйича таклифларини ўрганиш;

маҳалла аҳолисининг таклифлари асосида жиноятчиликни камайтириш бўйича амалий чоратadbирлар кўриш;

Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, сўровномалар ўтказиш натижаларида жиноятчиликни олдини олиш бўйича тайёрланган таклифларни Ички ишлар вазирлигига киритиб бориш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳар олти ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

52.	Қонунчилик маълумотлари миллий базасидан (Lex.uz) фойдаланишда жисмоний имконияти чекланган шахсларга қулайликлар яратиш, жумладан, овозли қидирув модулини жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил 20 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
53.	“ Хуқуқий ахборот ” телеграм каналида аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган, каналда бериб борилаётган маълумотлар асосида хуқуқий тест саволларини ўз ичига олган онлайн “ Совринли викторина ” ўтказиш.	Онлайн викторина	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 2 марта	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
54.	Ижтимоий тармоқларда, телеграм орқали аҳолини қизиқтирган масалалар бўйича соҳа мутахассислари иштирокида овозли суҳбатлар ўтказиш. Бунда овозли суҳбат ўтказилиши ва унинг мавзуси, мутахассислар ҳақида олдиндан эълон берилади ва аҳолидан мавзуга оид мурожаатлар қабул қилинади. Овозли суҳбат жараёнида фуқаролардан келиб тушган ва жараённинг ўзида фуқаролар томонидан берилган саволларга жавоб берилади.	Овозли суҳбатлар	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 1 марта	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
55.	Ҳафта давомида қабул қилинган, давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим қонунчилик ҳужжатларини содда, халқчил тилда аҳолига етказиш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “ Қонунчиликдаги янгиликлар ” номли видеороликлар тайёрлаш ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг аҳолига етказиш.	Видеороликлар	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 2 марта	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
56.	Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хуқуқий масалалар бўйича ечимларни берувчи e-maslahat.uz ва b-advice.uz порталларини хуқуқий материаллар билан бойитиш ва қонунчиликдаги ўзгартиришлар билан мувофиқ ҳолда материалларни янгилаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022-2023 йилларда доимий равишда	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)

57.	“Legal-Tech” ҳуқуқий платформасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жойлаштириш тизимини жорий қилиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2023 йил 1 май	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>)
58.	“Ҳуқуқий ахборот” телеграм канали обуначиларини кўпайтиришга қаратилган куйидагиларни назарда тутувчи дастурини ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш: каналга йўналтирувчи QR-кодларни яратиш ва уларни ҳар бир адлия бўлимлари, давлат хизматлари марказлари, юридик хизмат кўрсатиш марказларига жойлаштириш; канални оммалаштиришга қаратилган медиа материаллар тайёрлаш ва тарқатиш; каналда берилаётган маълумотларни доимий равишда таҳлил қилган ҳолда аҳолини энг кўп қизиқтираётган масалаларни аниқлаш ва ушбу йўналишдаги ахборотларни кўпайтириш; ҳуқуқий ахборотни тарқатиш бўйича “Энг яхши инновацион лойиҳа” ўтказиш.	Дастур асосида	2022 йил 1 июль	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
59.	“Gender Madad” ҳуқуқий платформасини тўлиқ ишга тушириш ва платформада хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, жумладан қайта алоқа ўрнатиш механизмларини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил 20 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)

60.	“kurslar.huquqiportal.uz” платформасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган онлайн курслар сонини ошириш, жумладан йўл ҳаракати иштирокчилари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари, тадбиркорлик масалалари бўйича янги курслар очиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2023 йил 20 январь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
Ш. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш				
61.	Инсон ҳуқуқлари бўйича профессионал журналистларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.	Идоравий ҳужжат	2022 йил 1 июль	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А. Тошқулов</i>)
62.	Жамиятда рўй бераётган шов-шувли воқеа-ҳодисаларга зудлик билан муносабат билдириб бориш мақсадида “Воқеа аслида қандай рўй берди?” рукни остида иккинчи тарафнинг фикрлари учун майдон яратиш орқали айни бир воқеага салбий фикрларни камайтиришга қаратилган телекўрсатув ва репортажлар тайёрлаш.	Телекўрсатув ва репортаж	2022-2023 йилларда ҳар ойда камида 2 марта ва заруратга кўра	Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш. Қудратхўжа</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
63.	Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган энг яхши телелойиҳа, радиолойиҳа танловларини ўтказиш	Танловлар	2022 йил 1 июль	Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш. Қудратхўжа</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
64.	Журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган “Энг яхши мақола”, “Энг яхши пост” каби номинациялар	Ижодий ишлар танловлари	2023 йил 1 март	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)

	бўйича ижодий ишлар танловларини ўтказиш, бунда ғолибларни аниқлаш учун материалларни жамоатчилик овоз беришига қўйиш назарда тутилади.			
65.	Ислохотлар даврида оммавий ахборот воситаларининг роли, журналистларнинг ахборот тарқатишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказиш.	Конференция	2023 йил 1 май	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (<i>А. Ходжаев</i>)
66.	Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий янгиликлардан хабардорлигини ошириш мақсадида “ Ҳуқуқий дақиқа ”, “ Ҳуқуқингизни биласизми? ” радио лойиҳаларини ташкил этиш ва амалга ошириш.	Радио эшиттиришлар	2022 йилдан бошлаб хар ойда камида 2 марта	Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш. Қудратхўжа</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
67.	Оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ва блогерларнинг ҳуқуқий билимларини мустақил ошириш имконини берувчи қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш.	Ўқув курслари	2022 йил 20 октябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (<i>А. Ходжаев</i>)
68.	Қонунчилик ҳужжатларининг ижроси , аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳолатини жамоатчилик назорати шаклида ёритиб берувчи туркум кўрсатувларни тасвирга олиш ва эфирга узатиш.	Туркум кўрсатувлар	2022 йил сентябрдан хар ойда камида 1 марта	Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш. Қудратхўжа</i>)
69.	Фуқароларнинг кундалик ҳаётида керак бўладиган маълумотларни қамраб олган “Ҳуқуқий тест”	Телелойиҳа	2022 йил августдан	Миллий телерадиокомпания

	телелойиҳасини амалга ошириш. Бунда ҳуқуқий тестлар прайм дақиқа вақтида эфирга узатилади.		хар ҳафтада камида 3 марта	(<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш. Қудратхўжа</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
70.	Аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини ёритиш мақсадида “Қилмиш-қидирмиш” номи остида реал воқеаларга асосланган кўрсатувларни тасвирга олиш ва эфирга узатиш.	Кўрсатувлар	2022 йил 20 ноябрь	Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш. Қудратхўжа</i>) Ички ишлар вазирлиги (<i>П. Бобожонов</i>)
IV. Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш				
71.	Юридик олий таълим муассасалари ўқув дастурларига “Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш” мавзусини киритиш. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик натижасида вужудга келадиган низоларнинг сабабларини ўрганиш ва олдини олиш мақсадида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётини ўрганиш; ушбу мавзу бўйича ўқув материалларини тайёрлаш; мавзунини юридик олий таълим муассасалари ўқув дастурларига киритиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 20 август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>А. Тошқулов</i>)
72.	Юридик техникум ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ўқувчилар ўртасида	Идоравий ҳужжат	2022 йил ноябрь-декабрь,	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)

	“Идрок” интеллектуал ўйинини ўтказиш.		2023 йил ноябрь-декабрь	
73.	Тошкент давлат юридик университетидаги мутахассислик кафедралари ҳузурида илмий-тадқиқот марказларини (“ақл марказлари” ни) ташкил этиш.	Ташкилий-техник тадбирлар	2022 йил 20 ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
74.	Етук мутахассисларни жалб этган ҳолда янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини тайёрлаш ҳамда мавжуд адабиётларни амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларни инобатга олган ҳолда қайта тайёрлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 20 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
75.	Юридик соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириб келаётган тадқиқотчилар учун онлайн хизматларни кўрсатиш имконини берувчи электрон платформа яратиш.	Ташкилий-техник тадбирлар	2022 йил 20 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
76.	Тошкент давлат юридик университети ходимлари ва профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва стажировка ўташ учун нуфузли хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотларга юбориш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022 йил 30 декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
V. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш				
77.	Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни онлайн мониторинг қилган ҳолда баҳолаш ва натижаси бўйича Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш.	Таҳлилий маълумотнома	2022-2023 йилларда ҳар 6 ойда	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
78.	Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб боришни аниқ кўрсаткичлар асосида ўрганиб бориш ва баҳолаш.	Мониторинг тадбирлари	2022-2023 йилларда (йил якунлари бўйича)	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), “Ижтимоий фикр” маркази (<i>Н. Раҳимова</i>)

79.	Инсон ҳуқуқлари соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотларни кенгайтириш, илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳияти, илмий тадқиқотлари ва ишланмаларининг самарадорлигини ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2022-2023 йилларда доимий равишда	Олий аттестация комиссияси (А. Юсупов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)
80.	Ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда, “ Ҳуқуқий ахборот ” каналида ҳуқуқий ахборотни етказиш бўйича сўровнома ўтказиш ва сўровнома натижасига кўра ахборот тарқатишни йўлга қўйиш.	Сўровнома ўтказиш	2022-2023 йилларда ҳар чоракда	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
81.	Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги амалий ишлар самарадорлигини ўрганиш мақсадида аниқ ҳаётий масалалар юзасидан аҳолининг ҳуқуқий билимини аниқлаш бўйича сўровномалар, шу жумладан электрон тарзда ўтказиш, мазкур жараёнга блогер ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш , “ Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасидаги долзарб вазифалар ” мавзусидаги ижтимоий тадқиқот ва сўровлар ўтказиш.	Сўровлар, тадқиқот ва таҳлиллар	2022 йил 30 декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), “Ижтимоий фикр” маркази (Н. Раҳимова), вазирлик ва идоралар

